

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**64 «Ўзбекистон ташқи иқтисодий ахборот-тижорат маркази» очик акциядорлик жамиятини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ-1444-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ташқи иқтисодий ахборот-тижорат маркази» очик акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда «Ўзахбороттижоратмарказ» очик акциядорлик жамияти деб аталади) акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

«Ўзахбороттижоратмарказ» очик акциядорлик жамиятини тугатиш;

«Ўзахбороттижоратмарказ» очик акциядорлик жамиятини тугатиш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзахбороттижоратмарказ» очик акциядорлик жамиятини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун 1-иловага* мувофиқ таркибда ишчи комиссия ташкил этилсин.

Ишчи комиссия «Ўзахбороттижоратмарказ» очик акциядорлик жамиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 21 февраль,
44-сон

* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 21 февралдаги 44-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро савдо объектлари республика комплексини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 16 сентябрдаги 433-сон қарорида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги Халқаро савдо-кўргазма комплекси ҳудудида жамоат тартиби сақланишини ва хавфсизликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 10 майдаги 231-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзахбороттижоратмарказ» республика тижорат маркази» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.